

«КЕЛИШИЛДИ»

Косон туман тиббиёт
бирлашмаси
танлов комиссиясининг

“01” 09 2022 йилдаги
16-сонли йиғилиш
баёнига асосан

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Косон туман тиббиёт
бирлашмаси
бошлиги
Ф. Р. Турсунов

«09» Сентябрь 2022 й.



**Косон туман тиббиёт бирлашмаси Пуллик хизмат бўлимига
пархез таом тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажарадиган
ташкilotни танлаш бўйича**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Косон туман тиббиёт бирлашмаси

Косон – 2022 й.

ТАРКИБИ

- I. Танлов иштирокчиси учун
йўриқнома.**
- II. Танловнинг техник қисми.**
- III. Танловнинг нарх қисми.**
- IV. Шартнома лойихаси.**

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий холатлар.
- 1.1 Мазкур танлов хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Конуни (кейинги ўринларда – Конуни), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралда «Лойиҳа олди, лойиҳа, тендер хужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чоратадирлари тўғрисида»ги ПҚ-3550-сонли Қарори (кейинги ўринларда – Қарор) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов предмети:
- Косон туман тиббиёт бирлашмаси Пуллик хизмат булимига пархез таом тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажариш учун
- 1.3 Косон туман тиббиёт бирлашмаси хўжалик мудиринг талабномаси танловни ўтказиш учун асос ҳисобланади.
- 1.4 Танловни ўтказиша унинг чегара қиймати шартноманинг умумий қиймати 01 ИЮЛ ойидан 31 АВГУСТгача бўлган давр учун **5 429 862.00 (Беш миллион турт юз йигирма туккиз минг саккиз юз олтминш икки)** сўмдан ошмаслиги зарур.
(танловда таклиф қилишган пархлар ундан юқорини ташкил қиласлиги зарур)
- 1.5 Харид қининадиган хизматлар техник топшириғи мазкур танлов хужжатларининг иловасида келтирилган.
- 1.6 Танлов комиссияси йигилишининг шакли – юзма-юз.
- 2 Танлов ташкилотчилари
- 2.1 Косон туман тиббиёт бирлашмаси танлов буюртмачиси (кейинги ўринларда – буюртмачи) ҳисобланади.
- «Буюртмачи» манзили:**
- Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қўйи Оброн МФЙ, 180800.

«Буюртмачи» реквизитлари:

МФО 00014,

ИНН 201615066

x/p 401322860102297073101054001

«Марказий банк Тош ш» ХКМ

2.2

Танлов ташкилотчиси контакти:

**Шартнома мажбуриятларини бажариш ва
ғазначилик бўлими, бўлим бошлиғи**

Тел.: Моб: (75) 592 46 03

e-mail: koson.tssb@minzdrav.uz

2.3

Техник саволлар бўйича масъул контакти:

У. Шерқулов

Тел.: (97) 200 31 84

2.4

Танлов комиссияси ишчи органи:

**Косон туман тиббиёт бирлашмаси иш ва
хизматлар танловини амалга оширувчи
танлов комиссиясининг танловларни
ўтказишдаги ишчи органи масъул котиби
(«кейинги ўринларда – танлов
комиссияси»).**

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси,
Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қўйи
Оброн МФЙ 180800**

2.5

**Шартнома тузувчи: Косон туман тиббиёт
бирлашмаси**

3.1

**Танлов буюртмачи томонидан ташкил
килинган танлов комиссияси томонидан
ўтказилади.**

3 Танлов иштирокчиси

3.1

**Танловда мазкур танлов ҳужжатларининг
4.2-бандида кўрсатилган юридик
шахслардан бошка, мулкчилик шаклидан
қатъий назар барча турдаги юридик
шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари
иштирок этиши мумкин**

4 Танловни ўтказиш тартиби

4.1

Танлов иштирокчиси танловда қатнашиши учун:

- танлов шартлари билан тўлиқ таниши учун маҳсус ахборот порталаидаги жойлаштирилган танлов хужжатларининг электрон шаклини олиши (юклаб олиши);
- танлов хужжатларида кўреатилган талабларни эътиборга олган ҳолда унда иштирок этиши тўғрисида расмий танлов таклифи бериши зарур.

4.2

Танловга қўйидаги иштирокчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг хамда бошқа ресурсларнинг мавжуд эмаслиги;
- шартнома тузиш учун қонуний хуқуқка эга эмаслик, шу жумладан, мазкур хизматларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган лицензия/гувохноманинг мавжуд эмаслиги;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжудлиги;
- ўзига ниебатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжудлиги;
- буюртмачи билан охирги уч йил ичидаги тузган шартномавий муносабатларни етарли даражада бажармаган бўлса;
- буюртмачи билан суд тартибида ва судгача бўлган масалалар кўрилаётган бўлса;
- Иисофиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилганлиги.

4.3

Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилини таомилида иштирок этишдан четлаштиради:

- иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг хозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор

қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида хар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;

- иштирокчи адолатиз танлов устунлигига эга бўлса ёки конунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.

5 Танлов тили, ўлчов бирликлари.

5.1

Танлов таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган

у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, хужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.

Техник таклифлар рус тилида берилишига йўл қўйилади.

5.2

Танлов таклифидан метрик ўлчов тизимида фойдаланилиш шарт.

6 Танлов таклифлари ва уларни расмийлаштириш шартлари

6.1

Танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартиб асосида танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзилга муҳрланган конвертларда (конвертнинг елимланган жойига иштирокчининг муҳри босилади) тақдим этилади, унда техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларининг мавжудлигига оид маълумотлар техник ва тижорат таклифлари билан бирга бўлиши керак.

6.2

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг хар бир вараги имзоланган холда тақдим этиш тавсия этилади.

6.3	<p>Иштирокчининг танлов таклифи танлов комиссияси томонидан ишчи органга почта орқали ёки иштирокчи ваколатли шахси орқали етказилади. Танлов таклифи берилиши санаси ва вақти ишчи орган томонидан танлов таклифларини рўйхатга олиш журналида қайд қилинади ва иштирокчи ваколатли шахси имзоси билан тасдиқланади (агарда у мавжуд бўлса)</p>
6.4	<p>Танлов иштирокчиси:</p> <ul style="list-style-type: none"> – тақдим қилинаётган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун масъул хисобланади; – факат битта таклиф бериш хуқукига эга; – тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунича қайтариб олиш ёки унга ўзгартирини киритишга ҳақли.
6.5	<p>Танлов таклифи икки қисмдан иборат бўлади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) техник қисми Буюртмачининг техник топшириғида кўрсатилган талабларга мос келиши ва таклиф қилинаётган хизмат тўғрисида батафсил ёритилган бўлиши зарур; 2) нарх қисми танлов шартларига мувофик бўлиши ва товар (хизмат, иш) номланиши, товарнинг (хизматнинг, ишнинг) бир бирлиги нархи, умумий киймати, етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тўлов шакли, таклифни амал килиш муддати ва х.к. каби маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. <p>Иштирокчи таклифларни раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолда тақдим қилиниши зарур. Нархга оид таклиф ҳам бошланғич шаклда берилади.</p>
6.6	<p>Танлов таклифи елимланган конвертда конвертнинг елимланган жойида иштирокчининг муҳри қўйилган ҳолда тақдим қилинади.</p>
6.7	<p>Конвертда қўйидагилар кўрсатилиши зарур (8 шаклга мувофик):</p> <ul style="list-style-type: none"> – танлов предмети номи;

		<ul style="list-style-type: none"> - иштирокчининг номи; - буортмачининг номи ва унинг манзили; - «таклифларни бериш муддати тугагунга қадар очилмасин (конвертларни очиш санаси ва вакти кўрсатилади)» ёзуви.
6.8		Техник таклифлар қўйидаги хужжатларни ўз ичига олиши зарур:
6.9		<ul style="list-style-type: none"> - мазкур йўриқнома иловасидаги 6 шаклга мувофиқ таклиф қилинаётган маҳсулот (товар/ишлар) техник характеристикалари техник тошириқка таққосланган ҳолдаги жадвал кўринишида техник таклифлар; - мазкур турдаги хизматни амалга ошириш учун рухсат берилганини тўғрисида тасдиқловчи хужжатлар; - бошқа техник хужжатлар (брошюра, техник паспортлар, йўриқнома ва бошқа хужжатлар).
6.10		Нарх қисми бўйича хужжатларнинг мавжуд бўлиши зарурлигига талаблар:
6.11		<ul style="list-style-type: none"> - мазкур йўриқнома иловасидаги 7 шаклга асосан тўлдирилган таклиф қилинаётган нарх тўғрисидаги маълумотлар. <p>Ишли орган (шартнома мажбуриятларини бажарилиши ва газиачилик бўлими) тайлор таклифлари солинган конвертларнинг бутлиги ва ишончли сақланишига жавобгар хисобланади.</p> <p>Тайлорга таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот порталаида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тутатилади.</p>
6.12		<p>Тайлор таклифлари Узбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Коғи тумани, Кўйи Оброн қишлоғи, 180800. почта индекси манзили бўйича қабул қилинади.</p> <p><i>Белгиланган муддатдан кейин тақдим қилинган хужжатлар кўриб чиқилмайди ва қайтариб юборилади.</i></p> <p>Таклифнинг амал қилиш муддати тайлор таклифлари қабул қилиш тугайдиган кундан кейинги кейин камида 10 кунга амал қилиши зарур.</p>

7	Танлов таклифларини бериш муддатларини узайтириш	7.1 Иштирокчининг асослантирилган илтимосига асосан танлов комиссияси танлов таклифлари қабул қилиш санасини кўчириши (узайтириши) мумкин. Бунда кўчириладиган (узайтириладиган) муддат танловнинг барча иштирокчилари учун тадбиқ этилади. Танлов таклифларини қабул қилини муддати ўзгарганилиги (узайтирилганлиги) тўғрисидаги огохлантириш танловда иштирок этаётган барча иштирокчиларга почта, электрон почта ёки факс орқали юборилиши зарур.
		7.2 Танлов таклифларини тақдим қилини муддатини узайтириш тўғрисидаги эълони маҳсус ахборот порталида жойлаштирилади.
8	Танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш	8.1 Давлат буортмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш давомида товарни (инни, хизматни) ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказни тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
9	Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш	9.1 Эълонда танловни ўтказни вакти сифатида кўрсатилган вактда харид комиссияси танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш тартиб-таомили чоғида хозир бўлининг хақли. Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш

- муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан ётиборан ўн кундан кўп бўлиши мумкин эмас.
- 9.3 Таилов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар таилов хужжатларининг талабларига мувофик бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.
Агар таклифи киритган таилов иштирокчисининг таклифи, уни расмийлаштирилиши мазкур таилов хужжатлари талабларига мос келмаса, таилов комиссияси ушбу таилов иштирокчи таклифини рад этади ва кўриб чиқилмайди.
- 9.4 Таилов ғолибини таилов хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида аниқлаш учун харид комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади.
Таилов хужжатларини баҳолаш мақсадида таилов комиссияси комиссия аъзолари ва/ёки экспертлардан (заруриятга кўра мустақил экспертлардан) иборат бўлган баҳоловчи гурух тузишга ҳақли.
- 9.5 Таилов иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчии харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида таиловда иштирок этишдан четлашибга ҳақли.
- 9.6 Таилов хужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилиган таилов иштирокчиси ғолиб деб топилади (2 илова).
Таиловда иштирок этишдан четлашибтирилмаган таилов иштирокчиларининг таклифлари нарх қисми бўйича ҳам батафсил кўриб чиқилганидан ва баҳоланганидан кейин таилов таклифларининг барчаси умумий ҳолда баҳоланади.
- 9.7 Агар таклиф Қонун, Қарор ва таилов хужжатларининг талабларига мувофик бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

- 9.8 Таклифни киритган танлов иштирокчиси Конунда, Қарорда ва ушбу танлов хужжатларида белгиланган талабларга мос келмаса харид комиссияси бундай таклифни рад этади.
- 9.9 Бахолаш пайтида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушуниришлар сўрашга ҳакли. Мазкур жараён расмий равишда ёзма шаклда танлов ташкилотчиси (шартнома мажбуриятларини бажариш ва газиачилик бўлими) орқали белгиланган тартибда олиб борилади. Тушунириш жараёнида таклифнинг мохияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.
- 9.10 Таилов хужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 9.11 Таилов таклифларида арифметик ёки исталган бошқа хатолар мавжудлиги аникланганда, бундай таклифлар танлов комиссияси томонидан кўриб чиқиш рад этилиши мумкин. Бу ҳақида танлов иштирокчисига маълум қилинади.
- 9.12 Барча учун танлов таклифларининг бир хиллигини таъминлаш ва уларнинг нархини баҳолашда мувозанатни саклани учун танлов иштирокчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конуничилигидан келиб чиқиб қўлланиладиган имтиёзлар ва преференциялар инобатга олинади.
- 9.13 Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.
- 9.14 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олининг кўчирма у имзолангандан кундан эътиборан уч иш куни ичida махсус ахборот порталида эълон қилинади.

	9.15	Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидаги танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
10 Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликнинг амал қилиши	10.1	<p>Ўзбекистон Республикаси қонуучилигига асосан қўйидагиларга жавобгарлик юклатилган:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ишчи орган (шартнома мажбуриятларини бажариш ва газначилик бўлими) аъзолари ҳисобланган шахсларга – келиб тушган танлов таклифларининг бутлиги, махфийлиги ва бошқа шахсларга ошкор қилинмаслиги бўйича; - танлов комиссияси раиси ва аъзоларига, жалб қилинган мутахассис ва экспертларга – маълумотларнинг ошкор қилинмаслиги, танлов иштирокчилари, жалб қилинган мутахассис ва экспертлар билан қайсиdir иштирокчига устунлик бериш ёки қайсиdir иштирокчини камситиши/четлатиши мақсадида тил бириктирмаслик ва бошқа иоқонуний хатти-харакатларни амалга оширмаслик бўйича; - танлов ғолибига – Ўзбекистон Республикаси қонуучилиги ва/ёки тузилган шартнома шартларига кўра ўзига юклатилган шартнома мажбуриятларини (микдор, сифат, амалга ошириш/етказиб бериш муддати, бошқа техник талаблар) бажармаган ёки етарли даражада бажармаганлиги бўйича.
11 Бошқа шартлар	11.1	Буюртмаси танлов иштирокчисидан таклиф қилинган товар (хизмат/иш) бўйича шундай товар (хизмат/иш) иштирокчи томонидан илгари етказиб

берилган (кўрсатилган) учинчи шахсдан фикр-мулохаза сўраши мумкин.

- 11.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатларидағи талабларни, танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда (9 шакл) тушунтириш талаби билан буюртмачига сўров юборишга ҳакли.
- 11.3 Буюртмачи сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга жавоб юбориши шарт.
- 11.4 Танлов комиссияси томонидан қўйидаги холларда танлов ўтказилмаган деб тоилиши мумкин:
- танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда;
 - тақдим қилинган барча танлов таклифларида зарурий ҳужжатлар етарлича тақдим қилинмаган бўлса ёки танлов таклифларини баҳолаш чоғида улар томонидан тақдим қилинган таклифларнинг барчаси комиссия хуносасига кўра четлаштирилган бўлса.
- 11.5 Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилиш хуқуқига эга. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи порталда мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қиласди.

12 Шартномани расмийлаштириш

- 12.1 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аникланган вақтдан эътиборан ўн кундан кечиктирилмаган муддатда тузилади.

12.2

Танлов натижаларига кўра танлов ғолиби деб топилган иштирокчига буюртмачи томонидан унинг танловда ғолиб бўлганилиги ва белгиланган шартлар бўйича шартнома тузиши тўғрисида расмий хат юборилади.

12.4

Танлов ғолиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда шартнома тузиш хукуқи захира ижочисига ўтади. Бунда захира ижочиси танлов ғолиби таклиф қилган нархда шартнома тузиши мумкин ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Косон туман Тиббиёт бирлашмаси
бошлиғи биринчи ўринбосари

Ш.Х.Аминов

Косон туман тиббиёт бирлашмаси
бош бухгалтери

И.Н. Худойназаров

Косон туман тиббиёт
бирлашмаси бош иқтисодчиси

Р.Д. Абдуллаев

Туман тиббиёт бирлашмаси
касаба ўюшма раиси

Ш.Н. Эргашов

Хўжалик ишлари мудири

Ж.Т.Бобоев